

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗАЙРОВА КАНШАИЫМ МУРАТБАЕВНА

ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА КИЙИМ-КЕЧАК НОМЛАРИНИНГ
ЭТНОЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛИ

10.00.03 – Қорақалпоқ тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Нукус – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Зайрова Каншаиым Муратбаевна

Қорақалпоқ тилида кийим-кечак номларининг этнолингвистик
таҳлили..... 3

Зайрова Каншаиым Муратбаевна

Этнолингвистический анализ названий одежды в каракалпакском
языке..... 23

Zayrova Kanshaiim Muratbaevna

Ethnolinguistical analys of the names of clothes in the Karakalpak
language..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗАЙРОВА КАНШАИЫМ МУРАТБАЕВНА

ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА КИЙИМ-КЕЧАК НОМЛАРИНИНГ
ЭТНОЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛИ

10.00.03 – Қорақалпоқ тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Нукус – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Fil1503 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.karsu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сейтназарова Инжайым Ержановна,
филология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Нажимов Пердебай Айманович,
филология фанлари доктори (DSc)

Норбаева Шукржон Хайитбаевна,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация химояси Қорақалпоқ давлат университети хузуридаги DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «19» ноябрь куни соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиқиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25; факс: (99861) 223-59-25; e-mail: karsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (96 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиқиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25.

Диссертация автореферати 2022 йил «25» октябрь куни тарқатилди.
(2022 йил «25» октябрь даги 12 рақамли реєстр баённомаси).



К.К. Оразымбетов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Д.Б. Сейткасымов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

М.С. Қудайбергенов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида сўнги йилларда миллий тилларни халқ маданияти, маънавий қадриятлари, ўзига хос тафаккур хусусиятлари ва тарихий дастурлари билан боғлиқ ҳолда тадқиқ қилиш тамойилининг бош назарий концепцияга айланиши тилшуносликда антропоцентрик парадигма, когнитив лингвистика, психолингвистика, лингвокультурология, этнолингвистика соҳаларининг пайдо бўлишига олиб келди. Ҳар бир халқ тилини тўлиқ, чин маънода ўрганиш учун тилнинг ички қонуниятларини аниқлашнинг ўзи етарли эмас, шунингдек шу тилда сўзлашувчи халқнинг ривожланиш тарихи, кундалик ҳаётида шаклланган маданияти, маънавий дунёси ва бадий савияси билан бевосита боғлиқ ҳолда ўрганилади.

Ҳозирги дунё тилшунослигида ҳар бир халқ тилининг хусусиятларини акс эттирадиган тил бирликлари, асосан, антропоцентрик ва этнолингвистик йўналишларда тадқиқ қилина бошлади. Тилимизда миллий тилнинг ички ривожланиши, луғат бойлиги бўлган лексик қатламни таҳлил қилиш, атамаларнинг тарихий шаклланиши ва ҳозирги ривожланиш тенденцияларини аниқлаш зарур. Маданий меросимиз ва қадриятимиз саналган кийим-кечак номларининг этнолингвистик таҳлили ҳам миллий қадриятларимизни тиклашда муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришиши, қорақалпоқ тилига давлат тил мақомининг берилиши, айниқса қорақалпоқ тилшунослигининг ривожланишига кенг имкониятлар яратди. Бугунги кунда «халқимизнинг миллий қадриятлари ва маънавий меросларини асраб-авайлаш, уларни кенг жамоатчиликка тарғиб қилиш ва ривожлантириш масалалари давлат томонидан алоҳида қўллаб-қувватланмоқда»¹. Мамлакатимизда миллий маънавий маданиятимизни, тилимизни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мустақиллик натижасида халқимиз турмушининг барча соҳаларида бўлаётган катта ўзгаришлар, қорақалпоқ тилининг ривожланишида ҳам сезиларли даражада таъсир қилди. Ота-боболаримизнинг бизга қолдириб кетган маданий меросларини ўрганиш, уни бугунги ва келгуси авлодга етказиб бериш, уларни илмий исботлаш, бу борада зарур тадқиқот ишларини олиб бориш, қорақалпоқ тилининг лексикасини бугунги кун талабларидан келиб чиқиб тартибга солиш каби муаммолар тилшунос олимларга муҳим ва масъулиятли вазифаларни юклайди. Жумладан, қорақалпоқ тилидаги кийим-кечак номларининг илмий-назарий асосларини очиб бериш, уларни тил фактлари ёрдамида аниқлаш, луғат таркибидаги ўрнини белгилаш долзарб масалалардан саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мавқеи ва нуфузини тубдан ошириш тўғрисида»ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил, 28 январь кунги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/5841063>

«Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сонли «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегияси ҳақида»ги Фармонлари, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сонли «Ўзбекистон Республикаси «Давлат тили ҳақида»ги Қарори қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш ҳақида»ги, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Президиумининг 2020 йил 3 ноябрдаги «Қорақалпоқ тилининг давлат тили сифатидаги мавқеи ва нуфузини янада ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги, 2021 йил 16 июлдаги Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Президиумининг «Қорақалпоқ тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини ривожлантириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорлари ва шу соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация Республика фан ва технологиялари ривожланишининг 1. «Ахборотлашган жамият ва демократик мамлакатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» асосий йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кийим-кечак номлари бўйича дунё тилшунослигида бир қанча илмий ишлар тадқиқ қилинган². Рус тилшунослигида кийим-кечак номлари мавзувий, семантик-структур, лингвокультурологик ва этнолингвистик аспектда Г.М.Миронова, Т.Л.Беркович, П.В.Торопчина, А.Т.Мудрая, Е.В.Антошенкова, Е.П.Осипова, Г.В.Кузина, М.В.Панова, О.Н.Крылова, М.В.Калинина, Г.М.Ермоленко, А.В.Тихомирова ишларида махсус ўрганилган³.

² Фам Тхи Хонг. Слова названия русской и вьетнамской одежды в сопоставительном плане: Дис. ... канд. филол. наук. – Ханой, 2008. – 226 с.; Шунтова Т.С. Структурно-семантическая соотносимость наименований спортивной одежды в русском и английском языках: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 2010; Полякова Г.М. Анализ лексико-семантического поля «одежда» в русском, английском и немецком языках в аспекте сопоставительной лингвокультурологии: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 2012, -18 с.; Чжан Линь. Язык моды: тематическая группа «наименования предметов одежды» в семантико-структурном и социокультурном аспектах: Дис. ... канд. филол. наук. – СПб., 2015. – 196 с.

³ Миронова Г.М. Названия одежды в древнерусском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Киев, 1978; Беркович Т.Л. Формирование тематической группы «головные уборы» в русском языке (XI-XX вв): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1981; Торопчина П.В. Наименования народной женской одежды в русском языке. XIX в.: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1983; Мудрая А.Т. Проблемы этимологизации этнографической лексики (на материале названий головных уборов): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1983; Антошенкова Е.В. Наименования женской одежды в памятниках русской письменности XV-XVII вв.: Дис. ... канд. филол. наук. – М., 1997. – 263 с.; Осипова Е.П. Наименования одежды в рязанских говорах (этнолингвистический и лингвогеографический аспекты): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1999; Кузина Г.В. Лексика одежды: Названия головных уборов в Орловских говорах (структурно-семантический аспект): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Тула, 2001; Панова М.В. Наименования одежды в русских говорах Воронежской области: (этнолингвистический и ареальный

Туркий тилларда кийим-кечак номлари М.Асомутдинова, И.М.Отаров, Ә.Б.Алмаўытова, Л.Ф.Тухбиева, Р.П.Абдина, А.Т.Шамигулова ва Ш.Х.Норбаеваларнинг ишларида махсус тадқиқ этилди⁴.

Қорақалпоқ тилида кийим-кечак номлари ҳақидаги маълумотлар фольклор, этнографик ва лингвистик манбаларда учрайди⁵. Шунингдек, қорақалпоқ адабиёти мумтоз асарларида ҳам кўришимиз мумкин.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қорақалпоқ давлат университетининг «Ҳозирги қорақалпоқ тилининг долзарб масалалари» мавзусидаги илмий-тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қорақалпоқ тилида кийим-кечак номларининг келиб чиқиш тарихи, номланиш сабаблари ва қўлланиш даврларини аниқлаш, уларнинг ясалиш усуллари ва уларнинг этномаданий мазмунини, тилда қўлланиш хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қорақалпоқ тилида кийим-кечак номларининг луғат таркибидаги ўрнини белгилаш;

қорақалпоқ тилида кийим-кечак номларининг пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш;

кийим-кечак номларига этнолингвистик тавсиф бериш;

эркак ва аёллар кийимларини мавзувий гуруҳларга ажратиб, уларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида қорақалпоқ тилидаги кийим-кечак номлари бўйича йиғилган материаллар: халқ оғзаки ижоди, музей материаллари, ҳозирги қорақалпоқ ёзувчи ва шоирлари асарлари, луғатлар ва илмий адабиётларда қўлланилган кийим-кечак номлари танланди.

аспекты): Дис. ... канд. филол. наук. – Воронеж, 2002. 296 с.; Крылова О.Н. Наименования верхней женской одежды в севернорусских говорах: ономаσιологический и семасиологический аспекты: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – СПб., 2002. – 23 с.; Калинина М.В. Лексико-семантическое поле «одежда» в донском казачьем диалекте: этнолингвистический и лингвокультурологический аспекты: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Волгоград, 2008. – 25 с.; Ермоленко Г.М. Лингвокультуремы тематической группы «одежды»: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Пятигорск, 2009; Тихомирова А.В. Ассоциативно-деривационная и фразеологическая семантика наименований одежды в русской языковой традиции: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 2013.

⁴ Асомиддинова М. Название одежды и её частей в узбекском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т., 1969; Ўша муаллиф: Кийим-кечак номлари. – Т., 1981; Отаров И.М. Профессиональная лексика карачаево-балкарского языка (На материале названий одежды и обуви). – Нальчик: Эльбрус, 1978; Алмаўытова Ә.Б. Қазақ тіліндегі киім атауларының этнолингвистикалық табиғаты: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Алматы, 2004; Тухбиева Л.Ф. Лексика одежды и головных уборов в татарском литературном языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Казан, 2006; Абдина Р.П. Лексика традиционной одежды в диалектах хакасского языка: в сравнении с алтайским языком: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Абакан, 2009; Шамигулова А.Т. Лексика одежды и украшений в башкирском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Уфа, 2015; Норбаева Ш.Х. Хоразм шеваларидаги кийим-кечак номларининг структур-семантик тадқиқи: Филол. фан. фалс. д-ри (PhD) ... дис. автореф. – Т., 2017.

⁵ Қарақалпақ тилинің түсиндірме сөзлігі. Т- 1-4. – Нөкіс, 1982, 1984, 1988, 1992; Насыров Д.С., Доспанов О. Қарақалпақ тилинің диалектологиялық сөзлігі. – Нөкіс, 1983; Айымбетов Қ. Халық даналығы. – Нөкіс, 1988; Алламурастов А., Доспанов О., Тилеўмуратов Г. Қарақалпақша көркем-өнер атамаларының сөзлігі. – Нөкіс, 1991; Алланиязова Ш. Қарақалпақ тилинің қол өнер лексикасы. – Нөкіс, 1997.

Тадқиқотнинг предметинг қорақалпоқ тилидаги кийим-кечак номлари бўйича тўпланган материалларнинг мавзувий гуруҳлари, семантик хусусиятлари, тарихий манбалари, миллий маданиятни ўзида акс эттирган этнолингвистик табиати тадқиқотнинг предмети саналади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот иши мавзусини очиб беришда диахрон, синхрон, лингвистик тавсиф, қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, статистик таҳлил, изоҳ ва фикрларни хулосалаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ тилида кийим-кечак номларини ифодаловчи лексик бирликлар белгиланиб, номларнинг тарихий деривацияси, этимологияси, номинатив сабаблари аниқланган;

кийим-кечак номларининг ўзаро генетик жиҳатдан яқин бўлмаган халқлар тилларига ўзлашиши ва сингиши далилланиб, ўрганилаётган лексемаларнинг семантик қисмлари очиб берилган;

қорақалпоқ халқининг турмуш тарзида диний эътиқод тушунчалари айрим кийим-кечак номлари билан боғлиқлиги исботланиб, миллий маданиятни, менталитетни акс эттирувчи этнолингвистик хусусиятлари аниқланган;

кийим-кечак номларининг қорақалпоқ адабий тили лексикасидаги аҳамияти ҳамда уларнинг мифларда, паремиологик сатҳларда ва бадиий асарларда символик маъноларда қўлланиш хусусиятлари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасалари учун (Қарақалпоқ тилиндеги кийим-кечак атамалари. – Тошкент: Qaqpus Media, 2020. 68 бет. ISBN 978-9943-4931-9-3) ўқув қўлланма яратилган ва амалиётга жорий қилинган;

қорақалпоқ тилидаги кийим-кечак номларининг бир қанча туркий халқлар билан яқинлиги, умумий белгилари, этномаданий хусусиятлари кўрсатиб берилган ва этнолингвистик назарияларга асосланган илмий хулосалар чиқарилган;

қорақалпоқ тилидаги кийим-кечак номлари мавзуий гуруҳларга ажратилиб, уларнинг ўзига хос қўлланиши ва тилнинг луғат таркибини бойитишдаги хизмати асослаб берилган;

тадқиқот натижаларига оид материаллардан қорақалпоқ тили лексикологияси, диалектологияси, терминологияси бўйича дарслик, ўқув қўлланма, изоҳли ва имло луғатларни тузишга манба бўлиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда ҳозирги тилшуносликда қўлланаётган тадқиқот усуллари бўйича назарий хулосаларга келинганлиги, қорақалпоқ тили материалларидан танлаб олинган мисолларни таҳлил қилиш орқали кийим-кечак номларининг номланиш сабаблари, берилган фикр ва таклифларнинг амалиётда кенг қўлланиши тегишли идоралар томонидан тасдиқланганлиги билан далилланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тил, этнос ва маданият масалалари бўйича

фундаментал тадқиқотларни олиб боришда, туркий халқлар тилидаги кийим-кечак номларини қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганишда, шунингдек, диалектология, тил тарихи, тарихий лексикология, семасиология ва этнолингвистикани ривожлантиришда назарий аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари учун «Қорақалпоқ тили тарихи», «Қорақалпоқ тили терминологияси», «Қорақалпоқ тили лексикологияси» фанларидан ўқув қўлланма ва монографиялар ёзишда, қорақалпоқ тилининг изоҳли ва имло луғатлари, этнографик луғатларини тузишда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоқ тилидаги кийим-кечак номларини тадқиқ қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

қорақалпоқ тилида кийим-кечак номларини ифодаловчи лексик бирликлар белгиланиб, номларнинг тарихий деривацияси, этимологияси, кийим-кечакларнинг номинатив сабабларин ўрганиш орқали олинган назарий-амалий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида 2012-2016 йилларда бажарилган ФА-Ф1-Г003 - сонли «Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши» мавзусидаги лойиҳани амалга оширишда, асосан, қорақалпоқ тилида кийим-кечак номларининг пайдо бўлиш манбаларини, объект сифатида танланган сўзларнинг қорақалпоқ адабий тилида умумий шаклланиш йўллари аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2022 йил 21 январдаги 30/1-сон маълумотномаси). Натижада қорақалпоқ тилидаги кийим-кечак номларининг ясалиш усуллари, уларнинг ўзаро генетик жиҳатдан яқин бўлмаган халқлар тилларга ўзлашиши ва сингиши, ўрганилаётган лексемаларнинг семантик қисмлар тўплами очиқ берилганлиги исботланган;

кийим-кечак номларининг қорақалпоқ адабий тили лексикасида тутган ўрни, мифларда, паремиологик сатҳларда ва бадиий асарларда символик маъноларда қўлланиш хусусиятлари билан боғлиқ илмий-назарий хулосалардан Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейи ва Бердақ номидаги Қорақалпоқ адабиёти тарихи давлат музейларида асосий илмий манба сифатида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданий мерос бошқармасининг 2022 йил 2 февралдаги 01-05/05-31-сон маълумотномаси). Натижада Бердақ музейида XVIII-XIX асрдаги қорақалпоқ шоирларининг адабий меросларида учрайдиган кийим номларининг маъноларини ёритишда, асосий лексик-семантик типлари, уларнинг рамзий маънода қўлланиши, тарих ва маданият давлат музейида бўладиган қорақалпоқ миллий кийимлари кўرғазмаларида ёш авлодни миллий кадриятлар руҳида тарбиялашда миллийлигимиз катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақидаги таклифлар амалиётга татбиқ этилган;

қорақалпоқ халқининг турмуш тарзида диний эътиқод тушунчалари баъзи кийим-кечак номлари билан боғлиқлиги, миллий маданиятни, менталитетни акс эттирувчи этнолингвистик хусусиятларини таҳлил қилиш

натижалари ҳақидаги хулосалардан Қорақалпоғистон телеканалининг «Ассалаўма элейкум, Қарақалпақстан», «Г'аўхар сөзлер» кўрсатувларини тайёрлашда ва Қорақалпоғистон радиоканали «Қайырлы таң», «Тарийҳымызды ўйренемиз» эшиттиришларида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2022 йил 31 январдаги 05-22/45-сон маълумотномаси). Натижада кийим-кечакнинг ўзига хосликни ифодаловчи белгилари таълим, тарбия билан боғлиқлиги кенг жамоатчиликка тарғиб қилишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза шаклида тавсия қилиниб, синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш нашрдан чиққан бўлиб, улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан республика журналларида 10 та мақола ва хорижий журналларда 4 та мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 128 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Қорақалпоқ тилида кийим-кечак номларининг этнографик ва этнолингвистик манбалари»** деб номланган бўлиб, у уч қисмдан иборат. Биринчи бобнинг биринчи қисми **«Кийим-кечак номлари билан боғлиқ этнографик маълумотлар»** деб номланади. Қорақалпоқ миллий кийимлари бўйича этнографик маълумотларни қуйидаги уч босқичга бўлиб ўрганиш мумкин:

Биринчи босқич XVIII аср охири ва XIX асрни ўз ичига олади. Қорақалпоқлар ҳақидаги дастлабки этнографик маълумотлар Д.Гладышев ва И.Муравинларнинг «Опись каракалпакам»⁶ номли ишида қорақалпоқ кийимлари тўғрисида маълумот берилган. XIX аср охирларига келиб рус

⁶ Поездка из Орска в Хиву и обратно, совершенная в 1740-1741 гг. поручиком Гладышевым и геодезистом Муравиным // Географические известия Российского географического общества. – СПб., 1850. Отд. 2. – С. 587-588.

олимларининг Ўрта Осиё халқларининг этнографиясини ўрганишга қизиқиши ортди. Этнографик маълумотлар А.Л.Кун ва А.В.Каульбарс мақолаларида⁷, 1874 йилда Амударё илмий экспедицияси аъзолари Л.Н.Соболев, Н.Н.Каразин ва Риза-Кули-Мирзаларнинг⁸, саёҳатчи А.Е.Россикова⁹ ишларида келтирилган.

Иккинчи босқич 1920 йилдан 1980 йиллар оралиғини ўз ичига олади. Бу даврда қорақалпоқ миллий кийим-кечаклари рус олимлари Т.А.Жданко, А.С.Морозова, Н.П.Лобачеваларнинг¹⁰ тадқиқотларида, маҳаллий олимлардан С.К.Камалов, Қ.Қосбергенов, А.Алламуратовларнинг¹¹ ишларида маълумотлар қайд этилган. «Этнография каракалпаков» номли ишнинг бир бўлими қорақалпоқ халқининг миллий кийим-кечакларига бағишланган¹².

Учинчи босқич 1990 йилдан ҳозирги кунгача бўлган давр. Бу босқичда анъанавий кийимларни ўрганиш замонавий илмий-тадқиқотлар асосида олиб борилган. А.Алламуратов, К.Мамбетовнинг «Қорақалпоқларнинг этнографик тарихи» номли ишининг бир бўлими, Х.Е.Есбергенов, С.Х.Есбергенова, Е.Л.Кубельларнинг тадқиқотлари қорақалпоқ миллий кийим-кечакларига бағишланган¹³. А.Отемисовнинг тадқиқотида¹⁴, М.Қарлыбаев ва З.Курбанова муаллифлигидаги «Қорақалпоқ кийими» альбоми¹⁵, З.Курбанованинг

⁷ Кун А.Л. Заметки о Хивинском ханстве // Туркестанские ведомости. 1873. – № 40; Ўша муаллиф: Поездка по Хивинскому ханству в 1873 году // Известия Императорского русского географического общества. Т.10. 1973. – №1; Каулбарс А.В. Низовья Аму-Дарьи, описанные по собственным исследованиям в 1873 г. // Записки Императорского русского географического общества по общей географии. Т.11. – СПб., 1881.

⁸ Соболев Л.Н. Письма об Амударьинской экспедиции // Русский инвалид. – М., 1874. – №213, 216; Каразин Н.Н. В низовьях Аму: Путевые очерки // Вестник Европы. – М., 1875. – №2, 3; Риза-Кули –Мирза. Краткий очерк Амударьинской области. – СПб., 1875.

⁹ Россикова А.Е. По Амударье от Петроалександровска до Нукуса // Русский Вестник. – М., 1902. – № 8. – С. 587.

¹⁰ Жданко Т.А. Каракалпаки Хорезмского оазиса // Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. Т. 1. – М., 1952. – С. 550-561; Ўша муаллиф: Народное орнаментальное искусство каракалпаков // Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. Т. 3. – М., 1958; Морозова А.С. Культура домашнего быта каракалпаков начала XX века (к вопросу этногенеза): Дис. ... канд. ист. наук. – Т., 1954; Лобачева Н.П. Из истории каракалпакского женского костюма // Советская этнография. – М., 1984. – №4; Ўша муаллиф: Каракалпакские головные накладки // Традиционная одежда народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1989.

¹¹ Камалов С.К. Каракалпаки в XVIII-XIX веках (К истории взаимоотношений с Россией и среднеазиатскими ханствами). – Т., 1968. – С. 145-147; Қосбергенов Р.Қ. Қаракалпақстанның Россияға қосылыуы. – Нөкис, 1972. – Б. 54-55, 324-334; Алламуратов А. Каракалпакская народная вышивка. – Нукус, 1977. – С. 16-18.

¹² Этнография каракалпаков XIX –начало XX века (материалы исследования). – Т., 1980. – С. 57-101.

¹³ Алламуратов А. Сәўкеле // Арал қызлары. – Нөкис, 1992. – №4. – Б. 10-12; Ўша муаллиф: Төбелик // Арал қызлары. – Нөкис, 1993. – №1-2. – Б. 34-36; Ўша муаллиф: Гүмис тақья // Арал қызлары. – Нөкис, 1993. – №3-4. – Б. 19-20; Ўша муаллиф: Мәңги мийрас. – Нөкис, 1993; Мәмбетов К. Қаракалпақлардың этнографиялық тарихы. – Нөкис, 1995. – Б. 113-125; Есбергенов Х. Саукеле. К вопросу об этногенезе каракалпаков // Вестник ККО АН РУз. – Нукус, 1999. – №2. – С.100-102; Есбергенова С.Х. Қызыл кийимешек – ритуальная накидка каракалпачек (к вопросу этнокультурных связей) // Вестник ККО АН РУз. – Нукус, 2002. – №4. – С. 83-85; Кубель Е.Л. Каракалпакский костюм в контексте этнокультурных процессов XX – начала XXI в. (на примере безрукавки) // Феномен социализации этнической культуре: Материалы одиннадцатых Санкт-Петербургских чтений. – СПб., 2012. – С. 436-441.

¹⁴ Отемисов А. Қаракалпақлардың өнер-кәсіплери. – Нөкис, 1992; Ўша муаллиф: Дәстүрий каракалпақ кийимлери-тарихый дерек сыпатында // Қаракалпақ халқының этногенези хәм этник тарихы: Республикалық илимий-териялық конференция материалы. – Нөкис, 2005. – Б. 73-75.

¹⁵ Қарлыбаев М.А., Курбанова З.И. Қаракалпақ кийими. – Нөкис, 2014.

монографияси¹⁶ қорақалпоқ миллий кийимларини ўрганишда асосий манба сифатида хизмат қилади.

«**Этнолингвистиканинг назарий масалалари ҳақида**» деб номланган иккинчи қисмда этнолингвистика ҳақидаги қарашлар батафсил ўрганилган. Бу соҳа асосчилари В.Гумбольдт, Э.Сепир, Б.Уорф, И.Л.Вейсгербер, А.А.Потебня, В.В.Иванов, В.Н.Топоров, Н.И.Толстой, Е.Бартминьский, А.Ф.Журавлев ва бошқа олимларнинг қарашлари ҳақида сўз юритилади.

Этнолингвистик тадқиқ бўйича туркий тилшуносликда И.Журабаев, З.Хусайнова, Е.Н.Жанпеисов, Қ.Ғ.Аронов, М.М.Копыленко, Й.Бобожонов, К.Қ.Кўркебаев, Ө.Қайдар, Ж.Манкеева, Г.Адилова, О.Нуржановларнинг ишларини қайд этиш лозим¹⁷.

Биринчи бобнинг учинчи қисми «**Кийим-кечак номларининг халқ миллий урф-одат ва дастурлари билан боғлиқлиги**» деб номланади. Кийим-кечак ҳар бир халқнинг этник хусусиятини кўрсатувчи рамзларидан бири. Қорақалпоқ халқининг кийиниш маданиятида беш кийимдан иборат бўлган бош кийим, кўйлак, иштон, устки кийим ва оёқ кийимларсиз инсонлар кўриниш бермаган. Қорақалпоқларда қиз узатишда тўйдан олдин куёв томон совғага беш хил кийим олиб бориш дастури қадимдан мавжуд ва у дастур *бес кийим* деб номланади. Шунингдек, марҳумни сувда ювинтиришда, яқинлари уни ювинтирган кишиларга ҳам беш кийим, яъни *бас кийим*, *устки кийим* (пальто, плащ, жемпир), *маси-геўши* (маҳси-ковуш) берилади. Қорақалпоқлардаги *бес кийим* деб номланадиган урф-одат бошқа халқларда учрамайди.

Қорақалпоқ халқида анъаналар билан боғлиқ *қаделик кўйлек*, *келин кўйлек*, *жеңге кўйлек* номлари пайдо бўлган. Йигит ва қизни бир-бирига таништириб, турмуш қуришига сабабчи бўлган янгаларга аталган махсус кўйлак *жеңге кўйлек* деб номланади.

Бошқа халқлар каби қорақалпоқ маданиятида кийимларнинг ранги теран маъноларга эга. Кийимларнинг ранглари яхшилик ёки ёмонлик, бахт ёки бахтсизлик, қувонч ёки қайғу каби бир қанча маъноларни ўзида мужассам этган. *Қора* ва *кўк* ранглари ғам-ташвиш, қайғу, аза маъноларини ифодалаган. Бир афсонада айтилишича, Муҳаммад пайғамбар урушда вафот этганда унинг кўк рангли яловини аёллар мотам белгиси сифатида кўйлак қилиб кийган. Манбаларга кўра кўк рангли кийимлар дастлаб мотам

¹⁶ Курбанова З.И. Каракалпакский костюм: традиции и новации. – Нукус: Илим, 2021.

¹⁷ Джурабаев И. Названия свадебных церемоний в узбекском языке: Дис. ... канд. филол. наук. – Т., 1971; Хусаинова З. Ономонологическое исследование свадебных обрядов узбекского языка: Дис. канд. филол. наук. – Т., 1984. – 20 с.; Жанпеисов Е.Н. Этнокультурная лексика казахского языка. – Алма-ата, 1989; Аронов Қ.Ғ. Қазақ тіліндегі халықтық космогониядағы этнолингвистикалық табиғаты: Филол. ғыл. канд. ... дис. автореф. – Алматы, 1992. – 24 б.; Копыленко М.М. Основы этнолингвистики. – Алматы: Ақыл кітабы, 1995; Бобожонов Й. Жанубий Хоразм этнографик лексикаси: Филол. фан. ном. ... дис. – Т., 1997. – 27 б.; Кўркебаев К.Қ. Қазақ тіліндегі өлшемдік атаулардың этнолингвистикалық сипаты: Филол. ғыл. канд. ... дис. автореф. – Алматы, 2003. – 31 б.; Абдуэли Қайдар Ғылымдағы ғұмыр. 1-т. Мақалалар, баяндамалар жинағы. // Этнолингвистика және тарихи лексикология. – Алматы: Сардар, 2014; Манкеева Ж. Қазақ тіл білімінің мәселелері. – Алматы, 2014; Адилова Г.А. Каракалпакстан казаклары этнографизмлерининг лингвомәдени анализі: Филол. илим. филос. д-ры (PhD) ... дис. – Нөкис, 2018. – 150 б.; Нуржанов О.Э. Қорақалпоғистондағы ўзбек шевалари этнографизмларининг антропоцентриқ тавсифи: Филол. фан. фалс. д-ри (PhD) ... дис. автореф. – Урганч, 2022. – 22 б.

либослари сифатида қаралган ва азадан чиққандан сўнг кейини тўй бўлсин, яхшилик бўлсин, янги ҳаётга қадам ташласин деган маънода кўк кўйлақларга нақшлар чизилиб, тўй кийимига айлантирилган. Ҳозирги кунда ҳам азадан сўнг «қайғудан халос бўлсин», «энди яхшилик бўлсин» деб бошига оқ рўмол ёки очиқ рангли мато, кийимлар беради.

Ишнинг иккинчи бобида «**Эркаклар кийим-кечак номлари**» ўрганилган. Бобнинг биринчи қисми «**Бош кийим номлари**» деб номланади. Эркаклар юмшоқ *тақья* ва катта *шөгирме* ёки *қураш*, шунингдек, *телпек*, *дегелей*, *соппас* кийган. Ислом дини билан боғлиқ ҳолда вояга етган ҳар бир мусулмон инсоннинг бош кийимсиз юриши гуноҳ деб ҳисобланган. Кун иссиқ пайтда ҳам, уйда ҳам бошларига юпқа *тақья* кийиш урфга айланган. Ҳатто ёш йигитлар бошига *қураш*, *дегелей*, кичик болалар эса *тақья* кийган.

Эркакларнинг *салле*, *дәстар*, *шалма* каби бош кийимлари мусулмон халқларида *тақья* устидан айлантириб ўрайдиган матодир. *Бөрик*, *соппас*, *қураш*, *дегелей*, *телпек*, *шөгирме*, *қулақшын*, *ўшқулақ*, *ийтқулақ* ва рус тилидан кирган *кубанка*, *фуражка*, *пилотка* ва ҳоказо бу номларнинг кўпчилиги ҳозирги тилда эскирган номлар ҳисобланади. Ал, *қалпақ*, *папақ*, *топпы*, *тумақ*, *малақай*, *тақья* номлари эса ҳозирги қорақалпоқ тилида кенг қўлланилади.

Бөрик – ҳар хил теридан тикилган бош кийимнинг умумий номи. XIV–XV асрлардан бошлаб бўрк шаклларида бири *қалпақ* деб номланган¹⁸. Қорақалпоқлар қора кўзи терисидан тикилган *сопақ бөрик* кийган. Бу уларнинг асосий алоҳида белгиларидан бири бўлган¹⁹. Тепаси узун тўппи *соп(ы) бас* сўзидан келиб чиққан²⁰. XIV асрда яшаган *Соппаслы Сытыра жироннинг* исми ҳам бош кийим билан боғлиқ номланган бўлиши мумкин. А.С.Морозованинг таъкидлашича, қорақалпоқлар XIX аср ўрталаригача узун кўринишдаги кигиз тукли бош кийим кийган, сўнгги юз йилликларда катта айлана кўринишдаги *қураш* (шөгирме) кийишни бошлаган²¹.

XX асрнинг 50 йилларидан бошлаб эркаклар *малақай* кийишни бошлаган. *Малақай* кенг тушунчага эга бўлиб, *у қулақшын*, *тумақ*, *ийтқулақ*, *ўшқулақ* атамаларининг умумий маъносини билдиради. Қорақалпоқ тилидаги *малақай*нинг бир тури *ўшқулақ* номи рус тилидаги *треух* лексемасидан калька усулида ўзлаштирилган. *Ўшқулақ* қорақалпоқларда бўлмаган, бу ном рус тилидаги *ушанка* сўзидан олинган бўлиши мумкин²². *Ийтқулақ малақай*нинг қулоқни босиб турадиган икки қулоғи итнинг қулоғидек бўлиб турганлиги учун шундай номланган. *Жатақ малақай* катта ёшдаги инсонлар кечаси кийиб ётадиган тақьясимон юпқа бош кийими ҳисобланган. Масалан:

¹⁸ Асомуддинова М. Кийим-кечак номлари. – Т., 1981. – Б. 31.

¹⁹ Толстова Л.С. Жоқарғы қарақалпақлар. – Нөкис: Билим, 2021. – Б. 148.

²⁰ Норбоева Ш.Х. Хоразм шеваларидаги кийим-кечак номларининг структур-семантик тадқиқи: Филол. фан. фалс. д-ри (PhD) ... дис. автореф. – Т., 2017. – Б. 11-12.

²¹ Морозова А.С. Культура домашнего быта каракалпаков начала XX века (к вопросу этногенеза): Дис. ... канд. ист. наук. – Т., 1954. – С. 115-116.

²² Қосбергенов Р.К. Қарақалпақстанның Россияға қосылыуы (Тарихый-этнографиялық монография). – Нөкис, 1972. – Б. 326.

Айдос шыдамай тикленип, басынан түсип қалған *жатақ малақайын* тауып кийип, сыртынан ақ белбеуин орады... (Т.Қайыпбергенов).

Топпы сўзининг этимологияси ҳақида маълумот Махмуд Кошғарийнинг асарида учрайди. *Топпы* сўзи *тўбў-төбе*, *тўбў* – инсоннинг бош қисми, шундан *топпы* деб номланган²³.

Бердимурат суўпы болды,

Кимге мегзер сениң *топпың* (Бердақ).

Бу мисолда келтирилган *топпы* сўзи «тақыя» маъносида қўлланилган.

Ҳозирги қорақалпоқ тилида *топпы* жун материалдан тўқилган қалин бош кийимни ифодалайди.

XX аср ўрталарида қорақалпоқ тилига рус тилидан *шапка*, *шляпа*, *фуражка*, *пилотка*, *ушанка*, *кубанка* сўзлари, XX аср охирларига келиб *кепка*, *панама* сўзлари кириб келган.

Иккинчи бобнинг иккинчи қисми «**Устки кийим номлари**» деб номланиб, ўнда асосан, эркакларнинг устки ва ички кийимларнинг номлари таҳлил қилинди. Устки кийимлар *тон* (*қылқа тон*, *сеңсең тон*, *торқа тон*, *тайшақы*, *елтири тон*), *постын*, *гүпи*, *күпәйке*, *ишик*, *гүртеше*, *шапан*, чопон турлари (*шыйразы шапан*, *дуўқат шапан*, *бийлик шапан*, *мөрели шапан*), *көйлек*, *камзол* ва бошқа номларнинг келиб чиқиш тарихи ҳақида маълумотлар берилди.

Гүпи, *күпәйке*, *ишик*, *гүртеше* қишки кийимлар. *Күпәйке* – рус тилидан кириб келган *фуфайка* сўзининг оғзаки тилдаги шакли. *Фуфайка* сўзи итальян тилидаги *fofa* «иссиқ кўйлак» сўзидан келиб чиққан²⁴. *Күрте* – кичик болаларнинг пахтали газламадан тикилган устки кийими. Тожик тилида *курте* «кўйлак» маъносида қўлланилади²⁵. А.Ишаев *куртка* сўзини эрон тилларидаги *курта* сўзи билан боғлаган²⁶. Пахтали кийимлар *гүртеше* деб ҳам номланган. Ҳозирги тилда *гүртеше* атамаси фақат кичик ёшдаги болалар кийими маъносида қўлланилади. Халқимизда болаларнинг икки томони очиқ бўлган кийим тури *жанашық* (жаны + ашық) деб аталади.

Торқа сўзи «қимматбаҳо газлама» маъносини билдиради. *Торқа* сўзи қадимги туркий тилда *torqu* – ипак газлама маъносида қўлланилган²⁷. Қозоқ тилида *торғын* // *торқа*, қирғиз тилида *торқа* деб ипак газламага нисбатан ишлатилган. Қорақалпоқ тилининг изоҳли луғатида ҳам *торқа* «ипак газлама» маъносида қўлланилган.

Мал тапсаң *торқага бөле*,

Өсиўиңе жақсы балам (Бердақ «Балам»).

Торқа тон жуда қимматбаҳо газламадан тикилган кийим.

Қылқа сўзи ривоятларда келтирилишича, «Муҳаммад пайғамбар ўзининг *қылқа* деб номланадиган кийимини вафотидан 400-500 йил сўнг туғиладиган

²³ Махмуд Қашғарий. Девону луғотит турк. С.Муталлибов таржимаси. 3-т. – Т., 1963. – Б. 235.

²⁴ Шанский Н.М., Иванов В.В., Шанская Т.В. Краткий этимологический словарь русского языка. – М., 1975. – С. 475.

²⁵ Норбаева Ш. Хоразм шеваларидаги эроний қатламга мансуб сўзларнинг ўзига ҳосликлари // Адабий алоқалар ва маданиятларнинг ўзаро таъсири. II қисм. – Термиз, 2019. – Б. 87.

²⁶ Ишаев А. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. – Т.: Фан, 1977. – Б. 123.

²⁷ Древнетюркский словарь. – Л., 1969. – С. 578.

Хўжа Ахмад Яссавийга мерос қилиб қолдирган»²⁸. *Қылқа тон* қадимий маданият билан боғлиқ атама ҳисобланади.

Тон сўзи туркий халқларда қадимдан устки кийимнинг умумий номи сифатида қўлланилган. *Тон, постын* сўзлари *тери* сўзидан келиб чиққан. Масалан, Ф.Р.Зейналов ва М.Д.Наврұзов *тон* сўзи «жўн», «тери» маъноларини билдиради деб кўрсатади.²⁹ *Алтын* сўзи *ал* ва *тон* сўзларининг қўшилишидан ясалганлигини кузатиш мумкин. Ҳозирги пайтда *тон* сўзи фақат кийим маъносини ифодалайди. *Постын* сўзи тожик тилида «ҳайвон териси» маъносини англатадиган *пўст* (тери) сўзига *-ин* аффиксини қўшиш орқали ясалган³⁰. Бизнингча, бу сўз *пост+тон*, яъни *тери+тон* «теридан ишланган тўн» деган маънони ифодалайди.

Халқимизда қадимда *тон* юқори қийматли кийим бўлган, маърака ва тўйларда, яхши кунларда ҳурмат-иззат учун *тон* кийдирилган. Сўнг тўннинг вазифаси *чопонга* ўтди. *Шапан* сўзи XV асрдан бошлаб ёзма адабиётларда учрайди. Олимларнинг фикрича, *шапан* сўзи форс-тожик тилидаги *шабан/чўбан* (чўпон, подачи) сўзидан туркий тилларга, кейинчалик рус тилига ўтган³¹. Ҳозирги вақтда тўй-маъракаларда кийдириладиган қимматбаҳо чопоннинг бир тури *ҳажим тон* деб атала бошлади.

XX асрга келиб халқимизда янги намунадаги кийимларни кийиш урфга айланди. Қалин *тон, постын, ишик, гўпи, гўртеше* кийимлари ўрнида эндиликда *куртка, пальто, шуба, плащ* кийиладиган бўлди. Енгил уст кийимлар *шапан, бешпент* ўрнига *камзол, плащ, пиджак, костюм, джемпер, свитер* каби кийимларни кийди. Шунингдек, *шалбар, трико, бриджи, шорты* ва бошқа турлари пайдо бўлди.

Юқорида келтирилган кийим-кечакларнинг деярли кўпчилиги қорақалпоқ халқининг тарихи ва этнографияси билан боғлиқ ҳисобланади.

Ички кийим номлари *иштан, дамбал, майка, трусы* ҳисобланади. Ички кийимларнинг умумий номи *дизкийим* деб номланган.

Иштан сўзи қадимги туркий сўз бўлиб, ёзма ёдгорликлар тилида XI асрдан бери ишлатилади. Маҳмуд Қошғарий асарида *эр иштанланди* – одам *иштан* кийди³². *Иштан* сўзи *иш* (ички) ва *тон* (кийим) сўзларининг қўшилишидан ясалган³³. *Иштан* почаси узун қилиб тикилган, белдан паст кийиладиган бир қаватли ишки кийим. *Дамбал, иштан* ички кийимларни эркаклар ҳам, аёл адамлар ҳам кийган. Фақат тикилиш бичими ва материалида фарқ бўлган. Масалан, тептик материалдан эркаклар *дамбалы* тикилган, уни *тептик дамбал* деб номлаган. Масалан: Кимнен жөн сорарымды билмей турсам, арманырақта *тептик дамбал* кийип, темекисиниң

²⁸ Этнография каракалпаков XIX –начало XX века (материалы исследования). – Т., 1980. – С. 63-66.

²⁹ Зейналов Ф.Р., Наврұзов М.Д. Об этимологии слова *altun* // Советская тюркология. – М., 1984. - №5. –Б.47-49.

³⁰ Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. 2-т. (Форсча, тожикча бирликлар ва улар билан ҳосилалар). – Т., 2009. – Б. 197.

³¹ Қазақ тілінің тарихы туралы зерттеулер. –Алматы, 1965. – Б. 84.

³² Маҳмуд Қашғарий. Девону луғотит турк. С.Муталлибов таржимаси. 1-т. – Т., 1960. – Б. 305.

³³ Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. Туркий сўзлар. –Т., 2000. – Б. 129.

түтинин мурнынан бурқыратып шығарып биреу тур екен (М.Нызанов). Аёл кишининг *ыштаны* чит матодан тикилган, уни *балақ* деб номлаган.

Иккинчи бобнинг учинчи қисми «**Оёқ кийим номлари**» деб аталади. Эркақлар олдин ёз ойларида теридан тикилган *геуши* (ковуш), ҳаво салқин пайтларда эса *геушни маси* (махси) билан бирга кийган. Қишда кигиздан тикилган *байпақ* ва теридан тикилган *этик* кийишган. Этикнинг қадимда *ақпушта этик, бәйкеми этик, шарық, шоқай, саўыры этик, шерим этик, былғары этик, қонышлы этик, кирза этик, хром этик, тыштабан* каби турлари бўлган.

Бәйкеми этик – қорақалпоқларда сариқ рангли пайпоққа ўхшаган этикнинг бир тури. Қорақалпоқларда бу этикнинг тури XI–XIII асрларда ўғуз кийимларининг қолдиқлари сифатида сақланиб қолган.

Этикнинг *ақпушта* номли тури *ақ* ва *пушты* сўзларининг қўшилишидан келиб чиққан. *Тыштабан* «товонни қоплаш» деган маънони билдириб, у *тыс* ва *табан* яъни *товон қоп* маъносига сўзларининг қўшилиши натижасида хосил бўлган. *Телетин, былғары, шерим этиклер* теридан тикилган.

Саўыры геуши – ковушнинг яхши талатин теридан тайёрланган тури. У эшак ёки отнинг *саўыр терисидан* олиниб, кўкка бўялган ва ковуш сириси (оёқ кийимнинг орқа қисми)га тақилган. Шу боис *саўыры геуши* деб номланган³⁴.

1920 йиллардан бошлаб руслардан *ботинка, туфли, резина галош, носки* кириб келган ва кийиш анъанага айланди. Қорақалпоқ тилида теридан тикилган оёқ кийим форсча *геуши* деб, резинадан тайёрлангани *галош* деб номланган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Аёллар кийим-кечак номлари**» деб номланиб, у уч қисмдан иборат. «**Бош кийим номлари**» деб номланадиган биринчи қисмда аёлларнинг бош кийимлари, ёпинчиқлари, бош ўровлари ўрганилди.

Қорақалпоқ халқида хотин-қизларнинг ўзига хос миллий бош кийимлари мавжуд. *Киймешек, жегде* келинчакнинг юзини бегона одамларнинг назаридан асраган ва эркақларга юзини кўрсатмаслик учун бошларига ёпинган. *Жегде* деб номланадиган чопонсимон ёпинчиқлар XVIII асрга оид бўлган. XX асргача беш бурчакли безаклари, нақшлари фақатгина қорақалпоқ жегдесида сақланиб қолган³⁵.

Қорақалпоқларда аёлларнинг миллий либосларидан бири *киймешекни*, кўпинча бўлажак келинлар узок йиллар давомида кашталаб, ўз тўйларида кийишган. Келинлар ўзи учун ҳам, қайнонаси учун ҳам *киймешек* тайёрлаган. Қайнонасига бағишлаб тиккан *киймешекни сеп киймешек* деб номлаган. *Киймешек* Л.Будаговнинг луғатида Урал татарларининг бош кийими деб кўрсатилган. *Киймешек* сўзини *киймекъ* «кийим кийиш» сўзи билан боғлаган³⁶.

³⁴ Насыров Д.С., Доспанов О. Қарақалпақ тилининг диалектологиялық сөзлиги. – Нөкис, 1983. – Б. 261.

³⁵ Нуруллаева Ш. Хоразм анъанавий кийимлари. – Т., 2013. – Б. 69, 76.

³⁶ Будагов Л.З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. Т. 2. – СПб., 1871. – С. 181.

Төбелик –металлдан ясалган айлана шаклидаги бош кийим. Қорақалпоқ халқининг миллий кийимларининг алоҳида тури ҳисобланади ва бошқа кийимлардан бадийлиги билан ажралиб туради. *Төбелик* сўзи *төбе* сўзига –*лик* аффиксининг қўшилишидан ҳосил бўлган.

Қорақалпоқ хотин-қизлари кийимларидан бир тури *сәўкеле* ҳисобланади. *Сәўкеле* XIX аср охири XX аср бошларида келиннинг ўз тўйида кийиладиган бош кийими ҳисобланган. *Сәўкеле* эрон тилларидан кириб келган *sho* (подшо), *kulo* (бош кийим) «подшонинг тожи» деган маънони билдиради³⁷. И.В.Богословскаянинг мақоласида *сәўкеле* ҳақида қуйидаги фикрлар айтилган: «Қадимги хоразмий ва сўғд тилларида *сау* «қора» деган маънони, *кала*, *келе* «бош кийим» деганни билдирган³⁸. Бу маълумот *қорақалпоқ* этнонимининг этимологиясига яқин келишини кўрсатган.

XX аср бошларидан бошлаб шарфга ўхшаш материалдан тикилган *бас ораўлар* ва айлана шаклдаги *тақьялар* хотин-қизларнинг кундалик бош кийимига айланди. Қорақалпоқларда *бас ораў*нинг бош ўрашдаги қия юқорироқ бўлган кўринишини *шақ шығарыў* деб аталган ва бу қорақалпоқ тилида *хайўанқас*, *хайўаншақ* деб номланган. Масалан, Қыз жеңгеси басына *хайўанқаслап ораган айдынлысының* ийнинен төмен түсип турған ушын тислеп, ойланып қалды (К.Кәримов).

Бош ўраш учун қўлланиладиган шарфсимон рўмол *тўрме*, *мәдели* деб номланган. *Тўрме* сўзи *тўрмек* < *тўрмек-ле ораў*, *тўйиў* деб кўрсатилган³⁹. *Мәдели* атамаси фарғоналик тўқувчи уста ҳунарманд *Мухаммадали* исмидан пайдо бўлган⁴⁰.

Қорақалпоқлар рўмолни олдин *жаўлық* деб атаган. *Жаўлық* сўзи *жаў* феълига –*лық* аффиксининг қўшилиши натижасида пайдо бўлган. Халқимизнинг *дәслепки байлық ақ жаўлық*, *оннан кейин жуп саўлық* деган иборасидаги *ақ жаўлық* «қизларнинг турмушга чиқиши, турмуш қуриши» маъносини билдиради.

Қорақалпоқ тилида рўмолни *шалғыш* ёки *шаршы* деб ҳам номлайди. *Шалғыш* сўзи *шал* «байла, тўй» сўзига –*ғыш* аффиксининг қўшилишидан ясалган.

Шаршы – рўмолнинг бир тури, унинг кичик ҳажмдаги турини халқ *бир тартым* деб номлаган. *Шаршы* номи *шар* (тўрт) сўзига –*шы* сўз ясовчи аффиксининг қўшилишидан ясалган, яъни тўрт томони тенг рўмолни билдиради.

Қорақалпоқ аёллари орасида йирик гулли рўмоллар кенг тарқалган. Бундай рўмолни ҳазил сифатида *орамасам өлгеймен* ёки қисқартириб *өлгеймен* деб номлаган. Масалан: ... хаялына *үш шереклик өлгеймен шаршы*, тағы әлленелерди алып ... (К.Кәримов).

³⁷ Морозова А.С. Каракалпакский женский шлемовидный головной убор «Саукеле» // Археология Средней Азии: Научные труды ТашГУ. – вып. 200. Т.6. – Т., 1963. – С. 134-138.

³⁸ Богословская И.В. Десять каракалпакских саукеле // Этнографическое обозрение. – М., 2014. – №4. – С. 111.

³⁹ Усманова Ш. Олтай тилларида бош кийим номлари // International journal of Central Asian Studies. – Korea, 2008. – Б. 206.

⁴⁰ Нуруллаева Ш. Хоразм анъанавий кийимлари. Монография. – Т., 2013. – Б. 40.

Айдынлы // айдыллы – рўмолнинг бир тури. Қорақалпоқ халқи орасида *айдынлы* рўмолни денгиз тўлқинлари билан боғлайди. Ушбу рўмол безакларида яримой тасвири акс этилган. Шунга кўра айрим манбаларда *айдинли* деб аташганини кўриш мумкин⁴¹.

